O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 1 июнь, № 104 (3903) Пайшанба

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Элининг эркатойлари

— Қатрада Қуёш акс этгани — бу Сенинг борлигингдан, Нуридийдам.
— Кулгуларинг кўкни қоплагани — бу Сенинг қувончингдан, Болагинам, — дея эркалайди Она фарзандини.
— Сиз менинг Ойим, Қуёшимсиз. Юзингиз ойдек оппоқ, бағрингиз Қуёшдек иссиқ, — дея эркаланади қизалоқ онасининг бағрида...

Олам олам бўлиб, макон макон бўлиб яралибдики, инсон умрининг кўрки, мазмуни, лаззати фарзанд. Шу боисдан бўлса керак, буюк Абулқосим Фирдавсий демишлар:

«Агар етса фарзандга газанд,
Бўлурмиз анинг ўтида мустаманд».

Дарҳақиқат, фарзанд — ота-она белининг қуввати, мадори, уларнинг тепиб турган юраги, оламни кўрадиган кўз қорачиғи, ор-номуси. Жону жаҳонининг бахти, камолини тугал кўриш эса ҳар бир ота-онанинг дил истаги. Зеро, ҳар қандай миллатнинг равнақи, мавқеи, шуҳрати бевосита шу юрт болажонларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқ бўлгани каби мамлакатимиз тақдири ва келажаги ҳам тафаккури эркин, иродаси мустаҳкам, дунёқараши теран, қалби пок ўғил-қизларимиз қўлида.

Фотомухбиримиз Рашид Галиев ҳам ота-онасининг меҳр тафтини туйган, юртининг озод ва ободлигидан шод-шодон, элининг бугунги эркатойи, эртанги кун вориси — қизалоқнинг қувончини тасмаларга муҳрлабди.

Фарзанд — хонадон чироғи. Фарзанд кўз очган хонадонга тўйлар келади, хурсандчиликлар келади, орзу-мақсадлар келади, бахт келади. Фарзанд оила учун, ота-она учун Аллоҳнинг ана шундай бебаҳо марҳаматидир.

Ўз навбатида, дунёга келиши билан ўзларига бу қадар чексиз бахтни ато этган болаларини ҳам ота-оналар ҳар томонлама бахтли кўришни, уларнинг пешонаси ёруғ ва ишончли бўлишини чин дилдан истайдилар. Бу энди фақат болаларга эмас, балки уларнинг атрофини ўраб турган ижтимоий-сиёсий борлиққа, ҳаётга ва табиатга боғлиқ.

БАХТЛИ БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

Маърифат соати

Она Ўзбекистонимизда аҳолининг учдан бир қисмини болалар ташкил этади. Мамнуният билан таъкидлаб айтгимиз келади: бизда ёш авлодга эътибор, ғамхўрлик давлатимиз миқёсидаги юксак сиёсатга ва шу қадар улкан ҳамда кенг қамровли амалий фаолиятга айланган.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Юртбошимиз ҳар жиҳатдан етук, баркамол янги авлодларни вояга етказиш масаласини умумтараққиётимизнинг энг устувор вазифаларидан бири деб белгилади ва бу масала, мана ўн беш йилки, мунтазам равишда давлатимиз эътиборида.

Авлодлар баркамоллиги фарзандларнинг соғ-саломат туғилишидан бошланади. Шу боисдан, иш негизидан бошланиб, юртимизда оналар ва болалар соғлиғини тубдан яхшилашга қаратилган улкан дастурий фаолият олиб борилмоқда. Пойтахтда бўлсин, вилоятларда, олис туманлар ва шаҳарларда бўлсин — туғуруқхоналар ва бошқа болалар муассасаларининг моддий-техника асослари энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар, ташхис ва таҳлил аппаратлари билан мустаҳкамланаётир. Оналар ва болалар скрининг марказлари ташкил этилмоқда. Бу марказларда бутун республикада оналар ва болалар саломатлигини биттама-битта кўрикдан ўтказишга киришилган. Ҳатто оила қурадиган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш изчил йўлга қўйилмоқда...

Мамлакатда мустақиллик даврида соғлом авлодни вояга етказиш билан боғлиқ турли йўналишдаги жамғармалар ташкил этилди ва улар самарали фаолият олиб бормоқда. Биргина «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасини олиб кўрайлик. Бу жамғарма ҳар йили кам таъминланган оилалар бағридаги оғир дардга йўлиққан неча-неча болаларнинг шифохоналарда тўла-тўкис даволаниб чиқишига кўмаклашмоқда. Биргина жорий йилнинг биринчи ярмида жамғарма 120 нафар бемор болаларнинг республика шифохоналарида, 8 нафар оғир бемор боланинг Германия клиникаларида даволанишига ёрдам берди.

Давлатимиз раҳбари томонидан мустақиллик йилларининг айримлари «Оналар ва болалар йили», «Соғлом авлод йили» деб аталганлиги ва бу йилларда улкан Давлат дастурлари амалга оширилганлиги ҳам болаларга эътибор ва ғамхўрлик сиёсатининг ажойиб намуналаридир. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб ном олган 2006 йил учун қабул қилинган Дастурда ҳам болаларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга эътибор ва ғамхўрлик устувор вазифалар тарзида белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

Сўнгги соатда

Италиянинг Турин шаҳрида давом этаётган 37-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси ўзининг ҳал қилувчи палласига кирди.

Ҳиндистон — Ўзбекистон 2:2

Яна тўрт тур учрашувларидан сўнг ғолиблар номи маълум бўлади. Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси тўққизинчи турда Ҳиндистон вакилларига қарши қора доналарда ўйнади. Шу куни ўтказилган Рустам Қосимжонов — Кришнан Сасикиран, Алексей Барсов — Хорикришна, Темур Гареев — Шепхар Гонгули Суря, Сайдали Йўлдошев — Чанда Сандипан ўйинлари дуранг натижа билан якунланди. Умумий натижа 2:2. Турнир жадвалини Арманистон шахматчилари 26,5 очко билан бошқариб боришаяпти. Иккинчи ўринда бораётган Хитой жамоаси ҳисобида 25,5 очко бор. Учинчи ўринни эгаллаб турган Франция вакиллари 24 очко жамғаришган. Ўзбекистонлик гроссмейстерлар 22,5 очко билан кучли ўнликдан жой олишган. Кеча ҳамюртларимиз ўнинчи турда германиялик шахматчиларга қарши дона суришди.

Аёллар терма жамоамиз тўққизинчи турда Перу мамлакати жамоаси устидан 2,5:0,5 ҳисобида зафар қучишди. Ўнинчи турда уларга Эквадор шахматчилари рақиб бўлди.

Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

30 май куни Москвадаги «Президент-отел»да Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар парламентлари раҳбарларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди.

ШҲТ МАМЛАКАТЛАРИ ПАРЛАМЕНТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Учрашувни Россия Федерал мажлиси Федерация кенгашининг раиси С.Миронов очар экан, ШҲТ доирасида парламентлараро мулоқотнинг бошланиши ушбу минтақавий ташкилотнинг мустаҳкамланишида яна бир муҳим қадам ҳисобланишини қайд этди. У ШҲТ ўзининг беш йиллик иши давомида ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини, ўзаро ишонч ва дўстликни чуқурлаштиришда, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади.

ШҲТ давлатлари парламентларининг мунтазам ва изчил ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарурати хусусида сўзлар экан, С.Миронов интеграция жараёнлари учун ўз вақтида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратишга айнан улар даъват этилганини қайд этди.

Россия Давлат думаси раиси Б.Гризлов ўз чиқишида ШҲТ мамлакатлари ҳамкорлигининг асосий йўналиши коллектив хавфсизликни, барқарорлик, иқтисодий тараққиёт, аксилтеррор тадбирларини биргаликда режалаштириш ва ўтказиш, гуманитар соҳада ҳамкорликни таъминлаш ҳисобланишини қайд этди. Шу муносабат билан ШҲТ парламентлари мазкур ташкилот асосий вазифаларининг ҳал этилишига кўмаклашиш учун ўз ваколатларидан фойдаланиши зарур. «Биз, миллий парламентлар раҳбарлари ва депутатлар коллектив хавфсизлик, савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг йирик дастурлари рўёбга чиқарилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга янада фаол кўмаклашишимиз мумкин», деди у.

Умумхитой мажлиси халқ вакиллари Доимий қўмитасининг раиси У Банго бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги ва барқарорлиги янги хавф-хатар ва таҳдидларга дуч келаётгани, ШҲТ олдига қўйилган вазифаларнинг амалга оширилишида унинг аъзолари узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтишига тўғри келишини қайд этди. У Банго парламентлараро ҳамкорликнинг муҳимлиги ҳақида тўхталар экан, у биргаликда ҳаракат қилишнинг турли кўринишдаги ва қулай шаклларига асосланиши лозимлигини қайд этди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов ўз чиқишида конфессиялараро ва цивилизациялараро турли хиллик шароитида ШҲТ давлатларароҳамкорликнинг мураккаб вазифаларини ҳал этиш учун кенг имкониятларга эга экани англангани, бу ҳеч шубҳасиз, турли-туман ва айни пайтда руҳан яқин бўлган халқларимиз ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришга кўмаклашишини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенатида

2006 йил 30 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлисини 2006 йил 9 июнь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат мажлиси муҳокамасига Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ҳамда маъқулланган бир қанча қонунлар, хусусан «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 8, 71-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимини (Мадрид, 1891 йил, 14 апрель) денонсация қилиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил, 27 июнь) қўшилиш ҳақида»ги қонунларни киритиш режалаштирилмоқда.

Бўлажак ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2005 йилги ҳисоботлари тингланади.

Шу билан бирга сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартиш киритиш, Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидаги фавқулодда ва мухтор элчисини тайинлаш масалаларини, шунингдек Олий Мажлис Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни киритиш мўлжалланмоқда.

Кенгаш Сенат қўмиталари ва Сенат Девонининг олтинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларни мувофиқлаштириб боришни Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф. Муҳитдинова зиммасига юклади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция йиғилиши



Йиғилишда мамлакатимиз Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги қарори юзасидан фракция аъзолари сўзга чиқиб, унда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда дуч келадиган бир қатор тўсиқ ва муаммоларни бартараф қилиш борасида қулай шарт-шароитлар яратилишини таъкидлаб, мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини жойларда кенг тарғиб қилиш юзасидан тавсиялар берилди.

Шундан сўнг, депутатлар "Солиқ маслаҳатчиси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича ўз фикрларини билдирдилар. Мазкур ҳужжатнинг иккинчи ўқишдаги муҳокамасига тайёргарлик жараёнида фракция томонидан берилган айрим таклифлар инобатга олинганлиги, аммо қонун лойиҳаси янада жиддий ишланиши зарурлиги айтилди.

Шунингдек, йиғилишда қуйи палата ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган "Микромолиялаш тўғрисида"ги ҳамда "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди. Сўзга чиққанлар бугунги кунда мамлакатимиз қонунчилигида микромолиялаш тушунчалари, микромолиявий хизматлар турлари ва уларнинг хусусиятини белгилашда ягона ёндашув мавжуд эмаслиги борасида тўхталиб, мазкур масалаларни тартибга солувчи ягона ҳуқуқий базани шакллантириш зарурати юзага келганлигини қайд этдилар. Бундан ташқари, "Экспорт назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

Бугун пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"нинг марказий павильонида "Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари — MebelExpo Uzbekistan 2006" 3-ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаси иш бошлади.

Жозибадор мебеллар кўргазмаси

ITE Uzbekistan ва ITE Group Plc(Буюк Британия) халқаро кўргазма компаниялари томонидан ташкил этилиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика Савдо-саноат палатаси ҳамда "Файз" холдинг компанияси кўмагида ўтказилаётган ушбу тадбирда мебель саноати ривожланган Германия, Россия, Беларусь, Туркия, Украина, Қозоғистон ва бошқа давлатларнинг вакиллари иштирок этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарияти томонидан мебель саноатига берилаётган катта эътибор туфайли тармоқда ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳозирда республикамизда 500 га яқин мулк шакли турлича бўлган мебель ишлаб чиқарувчи субъектлар фаолият кўрсатмоқда. Муҳими, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва жозибадорлиги боис, импорт миқдори йилдан-йилга камайиб бормоқда. Мисол учун, 2003 йилда хориждан 40 млн. АҚШ долларлик мебель келтирилган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич тенг ярмига камайди.

Тадбир ташкилотчиларининг маълум қилишича, мебель кўргазмаси иштирокчиларининг қарийб 50 фоизини юртимиз вакиллари ташкил қилади. Эътиборлиси, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг мебеллар ички бозорни тўлдирибгина қолмасдан, хориж бозорларини ҳам забт қила бошлаганидир.

Сандолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

БАХТЛИ БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яна шуни таъкидлаб айтишимиз керакки, республикада болалар спорти кенг кўламда равнақ топяпти. Бугунги кунда шаҳар ва қишлоқ мактаблари ўртасида бу борада тафовут деярли йўқолиб бормоқда. Яъни, замонавий спорт мажмуалари, теннис кортлари, стадионлар, сув ҳавзалари қишлоқ мактабларида ҳам пайдо бўляпти.

Вилоятларда ўтказилаётган анъанавий «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари республикада болалар спортини ривожлантиришга ҳар жиҳатдан самарали таъсир кўрсатмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда 2004 йилда «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»нинг қабул қилинганлиги янги тарихимизнинг оламшумул воқеаларидандир. Ушбу дастурлар болаларимизни фақат жисмонан эмас, балки ақлий ва маънавий жиҳатлардан ҳам етукликка эриштириш мақсадларини кўзлайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда халқаро андозалардаги янги таълим тизими вужудга келди. Болаларимиз энг илғор таълим-тарбия шароитига эга академик лицей, касб-ҳунар коллежларини ўз ичига олган тамомила янги типдаги ўрта махсус таълим тизимига эришди. Юртимизда умумтаълим мактаблари ҳаётида катта ўзгаришлар рўй беряпти... Мактаб бинолари, ўқув-тарбия жиҳозлари тамомила янгиланмоқда. Булар юқорида тилга олинган стратегик Давлат дастурларининг гўзал неъматларидир. Давлатимиз баркамол янги авлодларни вояга етказиш йўлида ҳамма имкониятларни ишга соляпти. Битта далил: Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизигача таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришга сафарбар этилмоқда. Ҳолбуки, ҳатто энг ривожланган давлатларда ҳам бу рақам атиги 2-4 фоизни ташкил этади, холос. Биз буни алоҳида қадрлашимиз керак.

Ўзбекистон — бахтли болалар мамлакати. Буни тўла ишонч билан айтишимиз мумкин. Болаларимиз бундай бахтни биринчи синфга қадам қўйиб, 12 турдаги ўқув қуроллари жойлаштирилган чиройли ўқувчилар сумкасини бепул тарзда Президент боболаридан совға сифатида қабул қилиб олган илк лаҳзалардаёқ бутун вужудлари билан англайдилар. Бундай эътиборни кейин улар бутун камолот йўлларида ҳам ҳис этиб боради. Биз ишонамиз: умид билан ўстираётган ниҳолларимиз албатта ўз мевасини беради. Болаларимиз улғаяди. Ўзбекистон илғор ва юксак салоҳиятли кадрлар мамлакатига айланади.

М. САФАРОВ.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



КЕЛАЖАГИ БУЮК ФАРЗАНДЛАР

Юртимиз фарзандлари жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшиб келган. Бу анъана бугун ҳам давом этяпти. Турли соҳаларда ўз салоҳияти, юксак ижрочилик маҳорати, метин иродаси ва ақл-заковати билан Ватанимиз довруғига довруқ қўшаётган Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ирода Тўлаганова, Лина Черязова, Давронбек Матрасуловлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бекободлик ака-ука Аъзам, Фаррух ва Парвиз Абдумавлоновлар эса каратэ бўйича Ўзбекистон, Осиё ва дунё чемпионатлари, қатор халқаро турнирларда ғолибликни қўлга киритишган. Улар 2000 йили Венгрияда ўтказилган "Санта-Клаус" халқаро турнирида ҳали ҳеч кимга насиб этмаган муваффақиятга эришиб, ҳар бири учтадан олтин медаль соҳиби бўлганди. Ўшанда улар 13, 11 ва 9 ёшда эдилар.

Ўн беш ёшли Диёра Ҳасанованинг ранг-тасвир асарларида Мустақиллик ва Наврўз байрами тантаналари, оналар ва болалар, дўстлик ва биродарлик мавзулари тасвирланган. 1996 йилда Миллий Олимпия қўмитаси билан Болалар бадиий ижодиёти маркази томонидан "Спортни шарафлаймиз" республика кўрик-танлови ўтказилди. Унда ўзининг "Олимпиада-96" композицияси билан иштирок этган Диёра ғолиб бўлди. Унинг ушбу асари ҳозирда Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги халқаро Олимпия қўмитаси музейида сақланади. Тўрт йилдан сўнг Вашингтон (АҚШ) да бўлиб ўтган "Болалар санъати — 2000" халқаро фестивалида "Ҳаво шарида анжуманга кетяпмиз" номли асари фестиваль эмблемаси сифатида қабул қилинди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, буларнинг барчаси болалар ва ёшларнинг ўсиб-улғайиши, жисмоний, руҳий, ахлоқий ва маънавий камолоти мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги самарасидир.

— Юртимиз ҳам, халқимиз ҳам болажон, — дейди Болалар жамғармаси раиси Инқилоб Юсупова. – Сўнгги 15 йил мобайнида фарзандларимиз, айниқса, бошқача меҳр кўришмоқда. Турли сабабларга кўра оила муҳитидан узоқлашган болажонлар Меҳрибонлик уйларида бекаму кўст ўсиб-улғаймоқдалар. Болалар бизнинг умримиз, ҳаётимиз давомчилари. Улар биз амалга оширишга улгурмаган ишларни поёнига етказадилар. Таълим-тарбия жараёнида шуни унутмаслигимиз керак. Бугун шитоб билан ҳаракатланаётган компьютер ва ахборот манбалари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий, бадиий адабиётлар, кинофильмлар, фан-техника янгиликлари болаларни ҳар томонлама юксалтиришга йўналтирилмоғи лозим. Чунончи, биз бундан уч йил аввал Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўзбек тилига ўгирилган "Ҳаёт учун далиллар" китобини нашр этишда иштирок этдик. 215 тилда 15 миллиондан зиёд нусхада жаҳон бўйлаб қўлланилаётган мазкур китоб болалар ҳаётини муҳофазалашга катта ёрдам беради. У ҳар бир одам, айниқса, ота-оналар, мураббийлар, ёшлар, шифокорлар ва ўқитувчиларни болалар ҳаёти ва саломатлигини сақлашнинг амалий ҳамда самарали усулларига оид қимматли маълумотлар билан таништиради. Сўнгра мазкур китоб асосида "Саломатлик ва бахт зинапоялари" кўрик-танловини ўтказдик. Унда қатор ёзувчи ва шоирлар ўз асарлари билан қатнашдилар. Шоир Раим Фарҳодий биринчи, Альфия Мамбетова иккинчи, Кавсар Турдиева билан Холмурод Сафаровлар учинчи ўринларни эгаллашди. Қамбар Отага рағбатлантирувчи мукофот берилди. Бундан ташқари, БМТнинг Болалар жамғармаси, Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти билан ҳамкорликда болалар ҳаётига тегишли дастурлар устида иш олиб бормоқдамиз. Фаолиятимизда давлатимиз раҳбарининг: "Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ", — деган сўзларини мезон қилиб олганмиз. Вақтлар келарки, фарзандларимиз ичидан Нобель мукофотига муносиб шахслар етишиб чиқади...

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ КЕЧАСИ

Москвадаги «Форум-холл»да «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган Ўзбекистон санъати кечаси бўлиб ўтди. Унга Россиянинг етакчи сиёсатчилари, дипломатлар, бизнесменлар, журналистлар, артистлар меҳмон сифатида таклиф этилди.

Ўзбекистон мустақиллиққа эришганидан сўнг кўп қиррали ва бой миллий маданиятни қайта тиклаш ва қўллаб-қувватлашга улкан эътибор қаратилмоқда. Бугун бу борадаги ютуқлар республикамиздан олисда ҳам яхши маълум. Ўнлаб мамлакатларда томошабинлар ўзбек артистлари, мусиқачиларининг чиқишларини қарсаклар билан қарши олмоқда. Рассомларимиз, халқ усталарининг асарлари кўргазмалари катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбек ёзувчи ва шоирларининг китоблари дунёнинг турли тилларида нашр этилаётир. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» фонди ҳам мамлакатимиз маданиятини хорижда тарғиб этишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

«Форум-холл»нинг катта зали ўзбек миллий матолари билан безатилгани кечага ўзгача руҳ бахш этди. Бу ерда ўрнатилган мониторларда Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, ноёб меъморий ёдгорликлари ҳақида лавҳалар намойиш этилди. «Офарин» рақс театри диёримизнинг ҳар бир ҳудуди маданияти хусусиятларини акс эттирувчи чиқишларни ижро этди. Замонавий ўзбек эстрадасининг машҳур артистлари — «Ялла» ва «Болалар» гуруҳлари, Юлдуз Усмонова, Тоҳир Содиқов, Райҳон Ғаниева, Рашид Холиқов ва бошқалар ўз санъатини намойиш этишидан олдин Ўзбекистон халқ артисти Ф.Зокиров ижросида Навоий, Жомий, Огаҳий, Ҳофиз Хоразмийнинг гўзаллиқ, муҳаббат, яхшилик ҳақидаги ажойиб рубоийлари янгради.

Меҳмонларда халқ амалий санъати кўргазмаси айниқса катта қизиқиш уйғотди. У анъанавий ва замонавий услублар асосида яратилаётган мамлакатимиз ҳунармандчилиги, бадиий, дизайнерлик санъати хилма-хиллиги ва бойлигини яққол намоён этди. Кўплаб сопол буюмлар ўзининг турли-туманлиги билан кишини лол қолдиради. Ўзбекистон Бадиий академияси ходимлари йиғилганларни халқ ҳунармандчилиги тарихи билан таништирди. Шу ернинг ўзида меҳмонлар Шарқ ширинликларидан, миллий таомлардан баҳраманд бўлишди.

Аксарият кеча иштирокчиларининг фикрича, этник маданий тадбирлар ташкилотчилари миллий хусусият ва замонавий технологияларнинг бу қадар ажойиб уйғунлигига камдан-кам эриша олади, миллий санъатни бунчалик тўлиқ намойиш эта олади. «Первий канал» ОАЖ Ахборот дастурлари дирекцияси таҳлил бўлими бошлиғи, «Однако» кўрсатуви бошловчиси М.Леонтьевнинг таъкидлашича, «ўтказилган тадбир сўнгги вақтдаги ҳақиқий дипломатиянинг ажойиб намойиши бўлди».

Жамғарма матбуот хизматидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, бу Москвада Ўзбекистон санъатига бағишланган иккинчи кечадир. Биринчи марта бундай кеча Фонд ташаббуси билан 2005 йилда ўтказилган ва Россия жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотган эди.

Ўзбекистон санъати кечасида Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Д.Медведев қатнашди.

(ЎзА).

ШҲТ МАМЛАКАТЛАРИ ПАРЛАМЕНТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонда ШҲТ га мамлакатнинг барқарор тараққиётини, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлайдиган муҳим омиллардан бири сифатида қаралади. Э.Халилов ташкилот ишида парламентларнинг иштироки хавфсизлик борасида, гуманитар ва иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш жараёнига янги туртки беришини қайд этди.

Шу куннинг ўзида Кремлда Россия Президенти В.Путин ШҲТ мамлакатлари парламентлари раҳбарларини қабул қилди. Учрашув чоғида Россия Президенти бугунги кунда халқаро майдонда ШҲТга нисбатан рақобат яратишга уринишлар бўлаётганини қайд этди. У бундай шароитда ҳеч қандай мусобақалашишга йўл қўймасдан, балки ўтган йиллар давомида бўлгани сингари биргаликда амалий ишлар билан шуғулланиш тўғри бўлади, деб ҳисоблайди. В.Путиннинг фикрича, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Евро-осиё ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликнинг самарали кафили сифатида ривожланиши зарур.

В.Путиннинг ҳисоблашича, ташкилот тамойилларининг аниқ ва равшанлиги, шунингдек, унинг ҳар бир иштирокчиси ўзига хослигини ва суверенитетини ҳурмат қилиш ушбу тузилманинг ташриф қоғозидир. В.Путин Россия Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг аҳамияти ва имкониятларини ошириш йўлини давом эттиражагини таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда, бугун ШҲТ «сиёсий, аксилтеррор ва иқтисодий мазмундаги муҳим вазифаларни ҳал қилмоқда ҳамда биргаликдаги самарали ҳамкорликнинг умумий манфаатдорлигига асосланган тенг ҳуқуқли шерикликнинг яхши намунасидир».

Музаффар ЗОҲИДОВ,
«Жаҳон» АА
Москва.

Бўш иш ўринлари ярмаркаси

Жиззах политехника институтида Бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Аввало, институт жамоасининг тадбирга пухта ҳозирлик кўрганлигини таъкидлаш жоиз. Бунда маркетинг бўлимининг нафақат вилоят, балки қўшни Сирдарё, Самарқанд вилоятларидаги корхона ва ташкилотлар, турли муассасаларнинг 2010 йилгача мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиб иш юритаётгани, кадрлар тайёрлаш бўйича буюртмалар портфелини яратиб қўйгани қўл келди.



Ярмарка қатнашчиларига 140 дан ортиқ иш ўринлари таклиф этилди. Шу куни институтни битирувчи 84 нафар бакалавр, 8 нафар магистр, ишсиз юрган 9 нафар собиқ талаба билан иш берувчи ташкилотлар ўртасида ишга жойлашиш тўғрисида меҳнат шартномалари имзоланди.

Ярмаркада иштирок этган институт ректори, профессор Иброҳим Содиқов, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Сакина Алмамедовалар бу каби ярмаркаларни тез-тез ўтказиб туриш зарурлигини таъкидлашди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: ярмаркадан лавҳалар.

СЕРЕЖАННИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Молдавия Республикасининг Бэлць шаҳрида эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг "Хрустальный аист" ("Биллур турна") халқаро фестиваль-танлови якунланди.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан истеъдодли хонандалар иштирок этган тадбирда ҳамюртимиз, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти талабаси Сережан Жанаҳметов иккинчи ўринни қўлга киритди. Шуни ҳам айтиш керакки, С.Жанаҳметов 2005 йили Москвада ўтган эстрада хонандаларининг халқаро танловида ҳам совринли ўринга лойиқ топилган эди.

(ЎзА).

«ЯНГИ ОҚСОҚОЛДАН УМИДИМИЗ КАТТА»

дейишмоқда «Аҳиллик» маҳалласи аҳли

Мирзо Улуғбек туманидаги «Аҳиллик» маҳалласида ҳисобот йиғилиши бошланишига бироз борлигига қарамасдан одамлар гавжум. Кимдир эски маҳалла раисининг фаолиятига баҳо бераяпти, бошқаси янги оқсоқолликка номзодини қўйганларни «чиғириқ»дан ўтказмоқда.

Фуқаролар йиғинида сайлов

Маҳалладаги 57-уй «домком»и Марат Легай номзодлар билан яқиндан танишиш истагимиз борлигини эшитиб, ёши қирқлардан ошган аёлни таклиф қилди. Ўзини Венера Нигматулина деб таништирган бу жувон 20 йилдан зиёд ҳуқуқ-тартибот органида ишлагани, агар оқсоқолликка сайлашса, маҳаллада болалар ўйингоҳларини қуриш, кам таъминланган оилаларга ёрдамини аямаслиги ва умуман ҳудуд фаровонлиги учун курашишини айтди. Аммо кейин билсак, бу опа номзодликка ҳужжатларини ўз вақтида топширмагани учун сайловда номзод сифатида иштирок этмас экан. Ушбу юмушларни вақти-соатида қилган Ҳикматилла Мирҳодиев эса ҳозир қирқ тўрт ёшдалиги ва маҳалла равнақи учун бор кучини сарфлашга тайёр эканлиги ҳақида гапирди.

Йиғилиш белгиланган вақтда бошланди. Ўтган давр мобайнида маҳаллага раислик қилган Раъно Жабборова ҳисобот берди.

Оқсоқол ўтган даврда ҳудуддаги кўпқаватли уйлар, мактаб биноси таъмирланганлиги, кам таъминланган оилаларга ўз вақтида кўмак берилгани ва ҳудуд фуқаролари манфаатлари йўлида қилинган бошқа ишлар тўғрисида қисқача ҳисобот берди. Шундан сўнг тафтиш комиссияси раиси Малика Файзиева ҳам молиявий харажатлар тўғри тақсимланганлиги ва текширув вақтида ҳеч қандай қонунбузарликлар аниқланмаганини маълум қилди.

Бироқ, йиғилганлар орасида норозилик ҳолатлари сезилди. Маҳалладаги 60-уй уй бошқарувчиси сўзга чиқиб, Р.Жабборова ўтган давр мобайнида қониқарсиз ишлагани, оқсоқолни иш жойида топиш умуман мураккаб бўлгани ва барча масалалар маслаҳатлашилмай, фақат раис томонидан ҳал этилгани, бунинг устига ҳудуддаги комиссиялар ҳам қўл қовуштириб ўтиришганини ҳаяжонланиб айтди. Шунда маҳалла фаолларидан бири сўз олиб, «Раис аёл киши бўлишига қарамай шунча иш қилди. Унга раҳмат айтиш керак» деди.

Ўтган даврда фаолият юритган оқсоқолнинг ишига баҳо берилгач, ҳудудда истиқомат қилувчи 4900 фуқаро номидан келган 90 нафар делегат янги маҳалла раислигига 4 та номзоднинг дастурларини тинглашга қарор қилишди. Лекин, маълум бўлдики, тўртта номзоддан бири — Абдукарим Қувонов маълум сабабларга кўра йиғилишда умуман қатнашмаётган экан. Биринчи бўлиб сўз Ҳикматилла Мирҳодиевга берилди. У «Агар маҳалла менга ишонч билдирса, мавжуд камчиликларни ҳал этиб, ҳудуд ривожи учун бел боғлайман» деб мурожаат қилди. Иккинчи номзод — Акром Ёқубов сўзга чиқиб, сайловдан ўз номзодини Ҳ.Мирҳодиев фойдасига олишини маълум қилди. Маҳаллага оқсоқол бўлиш истагида бўлган яна бир номзод — Турғуной Сафаева ҳам ҳудудга муносиб оқсоқол танлаш лозимлигини ва мабодо делегатлар уни маъқул деб топишса, у маҳалладаги қариялар, ёшлар ва аёлларга алоҳида эътибор бериши, кам таъминланган оилаларга ҳам доимий ёрдам кўрсатишини қайд этди.

Шундан сўнг оқсоқол сайловига киришилди. Йиғилганларнинг кўпчилиги сайлов очиқ тарзда ўтиши тарафдори эканини билдиришгач, махсус ишчи гуруҳи номзодларга берилаётган овозларни санай бошлади. Натижада Ҳ. Мирҳодиевни 46, Т.Сафаевани эса 23 нафар делегат қўллаб-қувватлади. Шундай қилиб, ошкора, эркин ўтган сайловда Ҳ.Мирҳодиев кейинги 2,5 йил маҳаллага оқсоқоллик қиладиган бўлди.

Сайлов тугади. Бироқ, ушбу тадбир бўлиб ўтган ҳудуддаги 211-ўрта таълим мактаби ҳовлисида одамлар яна узоқ вақт қолиб, фикр алмашишди. Суҳбатлар асосан сайлов ҳақиқий демократик тамойилларига мос ўтгани, янги оқсоқол фаол бўлиб маҳалла равнақига хизмат қилиши кераклиги ҳақида кечди.

— Сўнгги йилларда фуқароларимизнинг сиёсий онги тобора юксалаётгани, айниқса қувонарлидир, — дейди Мирзо Улуғбек тумани «Маҳалла» оқсоқоллар кенгаши хайрия жамғармаси раиси Жамолиддин Шоҳакимов. — Ўзингиз гувоҳ бўлдингиз, бугун маҳалла аҳли фаол бўлиб, ташқаридан ҳеч бир таъйиқсиз, демократик тамойиллар асосида ўзи истаган номзодга овоз берди. Мана бугунгача туманимизда мавжуд 52 та маҳалладан 40 тасида ана шундай сайловлар бўлиб ўтди ва уларнинг барчасида фуқароларимиз фаол иштирок этиб, ўзлари ишонган ва чуқур ҳурмат қиладиган кишиларни оқсоқол этиб сайлашди. Ишонч билан айтиш мумкинки, фуқароларнинг ўз маҳалласи ва унинг бошқаруви учун масъуллиги янада ортаяпти. Бу эса охир-оқибат маҳалла ривожи учун хизмат қилади, албатта.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги 282-сонли "ZiyoNET" ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида таълим, илмий, маданий-маърифий муассасаларга маълумотлар узатиш тармоқлари хизматлари кўрсатиш ҳуқуқи учун танлов эълон қилинади.

Танловда маълумотлар узатиш тармоқлари хизматлари кўрсатиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга ҳамда Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланган операторлар ва провайдерлар иштирок этиши мумкин.

Аризалар қуйидаги муддатгача қабул қилинади:

1. *Олий ўқув юртлари бўйича — 10.07.06 гача.*
2. *"Камолот" объектлари бўйича — 10.08.06 гача.*
3. *Музейлар бўйича — 10.08.06 гача.*
4. *Фанлар академияси бўйича — 10.08.06 гача.*
5. *Мактаблар бўйича — 10.09.06 гача.*
6. *Коллеж ва лицейлар бўйича — 10.09.06 гача.*

Барча зарур маълумотларни Танлов комиссияси Ишчи органининг ("UzInfoCom" маркази) қуйидаги алоқа манзилларида БЕПУЛ олиш мумкин:

"UzInfoCom" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази Почта манзили: 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-Б. Тел.: 138-41-48 Факс: 138-42-48 E-mail: contest@ziyonet.uz URL: www.ziyonet.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ФАОЛИЯТИ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА

ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ

ТЕЛЕРАДИОЭШИТТИРИШ СОҲАСИДА РАДИОЧАСТОТАЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲУҚУҚИГА ЯККА ТАРТИБДА ЛИЦЕНЗИЯЛАР БЕРИШ УЧУН

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов ўтказиш муддати — 2006 йил 31 июль соат 11.00 да.
Танлов ўтказиш жойи — Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-а уй, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биносидаги мажлислар зали.

Танловга қуйидаги радиочастоталар ва индивидуал лицензиялар қўйилган:

	Частота	Узаткич қуввати	Тарқатиш ҳудуди
	I. Фаолият тури — телевидение кўрсатувларини тарқатиш (трансляция қилиш)		
1-лот	8-телевизион канал (190-198 МГц частоталар полосалари)	30 Вт	Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри
2-лот	26-телевизион канал (510-518 МГц частоталар полосалари)	100 Вт	Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри
3-лот	31-телевизион канал (550-558 МГц частоталар полосалари)	100 Вт	Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри
4-лот*	6-телевизион канал (174-182 МГц частоталар полосалари)	100 Вт	Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри
5-лот*	9-телевизион канал (198-206 МГц частоталар полосалари)	100 Вт	Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳри
6-лот*	29-телевизион канал (534-542 МГц частоталар полосалари)	5 кВт	Хоразм вилояти
	II. Фаолият тури — радио эшиттиришларини тарқатиш (трансляция қилиш)		
7-лот	88,4 МГц	200 Вт	Тошкент шаҳри
8-лот	102,0 МГц	1 кВт	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти
9-лот	101,0 МГц	1 кВт	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти
10-лот	101,0 МГц	200 Вт	Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилояти
11-лот	101,0 МГц	200 Вт	Бухоро шаҳри ва Бухоро вилояти
12-лот	101,0 МГц	500 Вт	Урганч шаҳри ва Хоразм вилояти
13-лот	101,0 МГц	300 Вт	Фарғона вилояти
14-лот	101,0 МГц	100 Вт	Навоий шаҳри
15-лот	101,0 МГц	100 Вт	Жиззах вилояти
16-лот	106,5 МГц	2 кВт	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти
17-лот	100,5 МГц	1 кВт	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти
18-лот*	100,5 МГц	250 Вт	Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилояти
19-лот*	102,4 МГц	1 кВт	Фарғона вилояти

** Ижара шарти билан*

Буюртмалар учун аризалар қабул қилишнинг бошлаш муддати — ***2006 йил 2 июнь.***
Буюртмалар учун аризалар қабул қилишнинг тугаш муддати — ***2006 йил 1 июль.***

Буюртма учун ариза ва ҳужжатлар: ***Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи манзили бўйича қабул қилинади.***

Ахборот фаолияти ҳамда маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идораларо мувофиқлаштирувчи комиссия ишчи гуруҳи.

Маълумот учун телефонлар: 139-84-57, 139-46-13, 139-46-04.

Пул ўтказиш учун банк ҳисоб рақамлари, танлов шартлари, буюртманомага илова қилинадиган ҳужжатлар, лицензия талаблари ва шартлари, телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастоталардан фойдаланишга танловда иштирок этиш учун буюртма шакли билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (www.aci.uz), Давлат алоқа инспекцияси (www.gis.uz) веб-сайтларида танишишингиз мумкин.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

«ҒАЛЛАБАНК»

мамлакатимизнинг барча фуқароларини 2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳамкорликка чорлайди ва Сизларга ҳозирги кунда амалда бўлган қуйидаги омонат турларини таклиф қилади.

Барча юртдошларимиз учун мўлжалланган оммабоп жамғармаларга:

- **«Имконият»** — (6 ой сақлашга) йиллик 18% миқдорида даромад тўланади ва омонат муддати тугаганидан сўнг устама фоизлар ҳисобидан уй-рўзғор буюмларини сотиб олиш имконияти яратилади.
- **«Саломатлик»** — (11 ой сақлашга) йиллик 19,8% миқдорида даромад тўланади ва маблағингиз дам олиш масканлари, соғлиқни сақлаш муассасаларига кўчириш орқали ўз саломатлигингизни яхшилашга сарфланади.
- **«Нафақа-мададкор»** — фақатгина нафақахўрлар учун мўлжалланган бўлиб, 1 йил сақланади ва йиллик 18% миқдорида даромад тўланади.

Шунингдек, молия бозоридаги юқори фоизли омонатлар:

- **«Ишонч», «Люкс», «Кафолат»** — (3 ойдан 3 йилгача сақлашга) йиллик 18% дан 21,6% гача миқдорида даромад тўланади ва фоизлар шкала асосида тўлаб борилади.
- **«Коммунал тўлов»** омонатига йиллик 21,6% устама белгиланиб, аҳолининг уй-жой, коммунал тўлов хизматлари ва электр тўловларини узлуксиз тўлаб бориш учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, замонавий, ишончли ва ҳар томонлама қулай бўлган тўлов воситаси — "Ғаллабанк" **пластик карточкаларидан** фойдаланишни таклиф қиламиз. Пластик карточка ва мавжуд пул маблағларига ҳар ой якунига кўра йиллик 16% дан келиб чиқиб, устама тўлаб берилади.

ШОШИЛИНГ! ***Ғалла ўрим-йиғими мавсуми бошланиши билан азиз ғаллакорларимиз учун янги қисқа муддатли омонат тури ҳам жорий этилган. Бу «Хирмон» омонати бўлиб, 2 ойдан сўнг йиллик 22% дан келиб чиқиб устама тўлаб бериш шарти билан 25 майдан 1 июлгача маблағ қабул қилинади.***

Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтаришни ҳамда унинг қатъий сир сақланишини кафолатлашда «Ғаллабанк» ишончли ҳамкордир.

«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

ЖАҲОН 24 соат ичида

Қўшимча куч киритилади

Сўнгги пайтларда Ироқда исёнчиларнинг террорчилик ҳаракатлари фаоллашиб бормоқда. Шундай бир шароитда Пентагон мамлакатда барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида АҚШнинг Кувайтдаги ҳарбийларини Ироқнинг шимолида жойлашган Анбар музофотига кўчирилишини маълум қилди. Пентагон вакилининг сўзларига қараганда, бу ҳудуддаги Фаллуж ва Рамади шаҳарларида террорчиларнинг маҳаллий аҳоли орасида таъсири ошиб бормоқда.

Айни пайтда Ироқдаги америкалик аскарлар сони 130 минг нафарга етди. Ироқ бош вазири Жавад Маликнинг таъкидлашича, 2007 йил охирига қадар Ироқнинг барча ҳудудларида назорат маҳаллий хавфсизлик кучлари қўлига ўтади.

Собиқ етакчи заҳарланмаган

Жорий йил 11 март куни Гаага трибунали қамоқхонасида Слободан Милошевич вафот этганди. Шундан сўнг унинг тарафдорлари собиқ президент заҳар бериб ўлдирилганлиги ва бу иш юзасидан текширув ўтказишни талаб қилиб чиқишганди. Куни кеча БМТ экспертлари Слободан Милошевичнинг ўлими сабабларини ўрганиб, ўз хулосаларини эълон қилишди. Унда айтилишича, собиқ етакчи заҳарланишдан эмас, юрак хуружи туфайли оламдан ўтган.

Ҳисоботда келтирилишича, текширув давомида бирорта ҳам даъво ўз тасдиғини топмаган. Россия тиббиётчилари ҳам собиқ Югославия етакчиси тез-тез юрак хуружини бошидан ўтказганлигини тасдиқлашди.

Ява оролида зилзила

Индонезиянинг Ява оролида Рихтер шкаласи бўйича 6,3 баллик зилзила қайд этилди. Маълумотларга қараганда, табиий офат туфайли камида 5800 нафар аҳоли ҳалок бўлган, 20 минг нафарга яқин киши турли даражада жароҳатланган, яна 200 минг аҳоли бошпанасиз қолган. Айни пайтда ушбу ҳудудда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда. БМТнинг инсонпарварлик операцияларини мувофиқлаштирувчиси Ян Эгеланнинг билдиришича, дунёнинг турли бурчакларидан инсонпарварлик ёрдамлари келиб турибди. Ҳозирга қадар 22 та давлатдан турли хил дори-дармонлар ҳамда шифокорлар жўнатилган.

Toyota сифатсиз молларини қайтариб олмоқчи

Японияннинг Toyota компанияси 2002-2005 йилларда ишлаб чиқарилган ва дунё бўйлаб сотилган бир миллионга яқин ўз автомобилларини қайтариб олишини маълум қилди. Бунинг асосий сабаби, автомобилнинг бошқарув тизимида камчилик мавжуд бўлган. Биргина Японияннинг ўзида 566 мингта Toyota заводга қайтарилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«ТОЖМЕТАЛЛ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Тож металл» очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2006 йил 30 июнь куни соат 10.00 да Андижон ш., Фитрат к., 52-уйда жамиятнинг мажлислар залида ўтказилади. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2006 йил 31 май ҳолатига тузилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. *Жамият бошқарувининг 2005 молия-хўжалик йили якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.*
2. *Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.*
3. *2005 йил якуни бўйича жамият аудитори хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.*
4. *Кузатув кенгашининг 2005 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ва қабул қилган қарорларини тасдиқлаш тўғрисида.*
5. *2005 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарар ҳисоб варағини тасдиқлаш тўғрисида.*
6. *Жамият директори билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш тўғрисида.*
7. *Жамиятнинг 2005 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш тартиби ва дивидендлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида.*
8. *Жамиятнинг 2006 йил учун бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш тўғрисида.*
9. *2006 йил учун жамият аудиторини тайинлаш.*
10. *Кузатув кенгаши, жамият бошқаруви, саноқ ва тафтиш комиссияси аъзоларини тақдирлаш тартиби тўғрисида.*

Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ҳамда уларнинг вакиллари йиғилишга шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан келишлари сўралади. Йиғилишга тайёргарлик жараёни ва кун тартиби масалалари тўғрисидаги маълумотларни иш кунлари соат 10.00 дан 16.00гача Андижон ш., А.Фитрат кўчаси, 52-уй манзили бўйича олиш мумкин. Боғланиш телефони: 8 374 225-54-12.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

2005 ЙИЛ 31 ДЕКАБРЬ ҲОЛАТИГА БАЛАНС

№	АКТИВ	минг сўм
1.	Асосий воситалар	164 622
2.	Ишлаб чиқариш захиралари	705 348
3.	Пул маблағлари	482
4.	Бошқа активлар	8 724
5.	Дебиторлар	455 575
	Жами	**1 334 751**
	ПАССИВ	
1.	Устав капитали	290 300
2.	Резерв капитали	192 769
3.	Тақсимланмаган фойда	26 558
4.	Мақсадли тушумлар	991
5.	Узоқ муддатли мажбуриятлар	1 450
6.	Жорий кредиторлик қарзлар	422 683
7.	Қисқа муддатли банк кредитлари	400 000
	Жами	**1 334 751**

2005 ЙИЛ БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБОТИ

минг сўм

КЎРСАТКИЧЛАР	ДАРОМАД	ХАРАЖАТ
Маҳсулот сотишдан соф тушум	1 439 432	
Сотилган маҳсулот таннархи		1 169 654
Давр харажатлари		150 676
Бошқа жараёнлар бўйича даромадлар	30 765	
Фоизлар шаклидаги харажатлар		105 891
Даромад солиғини тўлагунга қадар фойда	43 976	
Фойдадан солиқлар		17 418
Соф фойда	26 558	

Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар «ERKIN — AUDIT — XXI» аудиторлик фирмасининг (2001 йил 11 ноябрдаги 00262 лицензия) 2006 йил 28 апрелдаги аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган.

Эзгуликка эҳтиром

Бахтнинг бошидаги офтоби бўлиб,
Элда ҳақиқатнинг хитоби бўлиб,
Озодлик майдонин меҳроби бўлиб,
Юртнинг юрагига ўйилди ҳайкал,
Миллат онасига қўйилди ҳайкал!

Бағрига босгани Ватан боласи,
Замин фарзанди у,
шодлик шонаси,
Ўзбек онасидир, унинг онаси,
Пойига бошингни
эгиб келгин сал,
Миллат онасига қўйилди ҳайкал!

Булбуллар мудраган гулни уйғотар,
Хотира уйғонса дилни уйғотар,
Дарёдил сарбонлар элни уйғотар,
Миллатнинг меҳридан берилиб сайқал,
Миллат онасига қўйилди ҳайкал!

Ҳар ким бир келмоқни ихтиёр этсин,
Келсин-у, ўзини бахтиёр этсин.
Ҳам яна Ватандан ифтихор этсин,
Қувонч кўз ёшига чайилди ҳайкал,
Миллат онасига қўйилди ҳайкал!

Эзгулик пойига тиз чўксанг арзир,
Ҳар фарзанд онадан тоабад қарздир.
Ватанга жон тикмоқ сен, менга фарздир,
Кўп келгин, ўзингни поклаб кел ҳар гал,
Миллат онасига қўйилди ҳайкал!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

ЁМОН КЎЗДАН АСРАСИН

Баъзан оддий кундалик ҳаётимизда шундай воқеалар бўладики, кўпинча унинг мазмунини англамасдан ўтиб кетаверамиз. Агар дунёнинг кенг саҳнидаги турфа ҳолатларга таққослаб кўрсак, чуқурроқ мушоҳада юритсак, биз яшаётган замон ва маконнинг қадрини тушунгандай бўламиз.

Камолот палласи

2001 йилда Жиззах туманидаги 17-ўрта мактаб Халқ таълими вазирлиги ташкил этган танловда ғолиб келиб, «Йил мактаби» деб эълон қилинди. Табиийки, ўшанда мазкур ўқув масканига жамоатчилик эътибори қаратилди. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти шу мактабнинг ўн ёшга тўлган ўқувчилари, яъни мустақиллик тенгдошларига дарслик совға қилди.

Яқинда яна йўлим шу мактабга тушди. Муаллимлар билан суҳбатлашиб тургандик, қадди-басти келишган, истарали бир йигитча дадил келиб саломлашди.

— Сиз мени танимадингиз-а? — ўзини Камол Абдуллаев деб таништирган йигитча қўлимни маҳкам ушлаб сўзларди. — Беш йил аввал менга дарслик совға қилгандингиз. Мана, бу йил ўн беш ёшга тўляпмиз.

— Мустақиллигимиз билан бирга десангчи, — деб қўшилди мактаб директори.

— Хўш, ўша дарсликларни яхши ўзлаштирдингизми? — беш йил аввалги ўн яшар болакайнинг бундай ўзгарганидан ҳаяжонланиб сўрадим.

— Раҳмат, бир йил ўтгач у дарсликларни укаларимизга бердик.

Маълум бўлишича, беш йил муқаддам биз ўтказган учрашув мактаб ҳаётида катта воқеа сифатида баҳоланибди. Марказий газета тақдим этган дарслик билан ёмон ўқиш мумкин эмас, деган тамойил қулоч ёзибди.

— Сизлар учун оддий туюлган тадбир ўқувчиларимиз онгида жуда катта ўзгариш ясади, — деди директор.

Шу лаҳзаларда кўнглимда бошқача ўй-фикрлар жўш урди. Ажабо, атиги беш йил илгари биз учрашган мурғаккина бола, мана бугун, азамат йигитча бўлибди. Бўйлари чўзилган, қадамлари ўктам, овозлари дўриллаган.

Бир боланинг мисолида шунча ўзгариш рўй берган бўлса, бутун мамлакатимиз ҳаётидаги туб ислоҳотлар қамрови қанчалик миқёс касб этди экан?! Агар шу азиз Ватандаги ҳар бир фуқаро мана шу йигитча ҳис этган туйғуларни қалбидан ўтказса ҳам, қудратимиз юксалганини дилдан англаб етардик.

Илоҳим, юртимизни ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин.

Ниятингни айт

Бир танишим бор. Ҳар оқшом «Би-би-си», «Озодлик» тўлқинларида бериладиган эшиттиришларни тинглаб боради. Эртаси куни худди янгилик кашф этгандай эшитганларини одамларга айтиб юради. Бошини сарак-сарак қилиб «Боплади, фалончини қаттиқ олди» — деганда «Нима гап бўлибди экан?» деб қизиқишингиз табиий.

Тўғри, ҳозир Ўзбекистонда демократик тамойиллар жорий этилгач, ҳар ким ўзи маъқул кўрган эшиттиришни тинглаши мумкин. Буни таъқиб остига олиш, «Нега хориж радиосини эшитдинг?» деб сўроқ қилиш ҳам йўқ.

Лекин, инсоф юзасидан айтганда, ҳар қандай гапга лаққа ишониш, унинг асл ниятини таҳлил қилмасдан тан бериш ҳам шу Ватан тупроғида яшаётган юртдошларимиз табиатига мос келмайди. Баъзан шундай эшиттиришлар бериладики, беихтиёр «Нима бало, соф ўзбек тилида гапираётган бу миллатдошимиз бизга қарши уруш эълон қилганми?» деб ўйлайсиз. Ҳаётимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақида чурқ этишмайди. Унда-бунда аламзада кишиларнинг сўзларини иқтибос тарзида келтиришади. Охиригача текширилмаган, кўчакўйдаги миш-мишларни ҳам қўшиб юборишади. Эмишки, шундай қилинса, эшиттириш қизиқарлилиги таъминланармиш. Ие, асл мақсад нима? Оммага рост сўзни, тўғри ахборотни етказиш эмасми? Психологларнинг айтишича, одам боласи ижобий гапдан кўра салбий гапларни тезроқ ўзлаштирар экан. Чет элларда ўрнашиб олган миллатдошларимиз ҳам одамзотнинг шу табиатини ҳисобга олишган, шекилли.

Мен ўшандай радиоларнинг сўзларига қулоқ тутаётган юртдошларимга бир маслаҳат бермоқчиман. Майли, истаганча эшитаверинг. Лекин уларга шундай савол қўйинг: «Асл ниятингиз нима? Дунёнинг бошқа чеккаларидаги ўзбекларга Ватанимиздаги бугунги ҳаёт ҳақида холис ҳикоя қилишми ёки бизнинг тинч-осойишта турмушимизни бузишми?»

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Жорий йилнинг декабрь ойида Қатар пойтахти Дохада XV Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Унда қитъамизнинг 44 давлати вакиллари спортнинг 39 тури бўйича ўзаро беллашадилар.

Энг яхши суратлар танлови

Осиё халқларини бирлаштирувчи ушбу турнирни янада қизиқарли ўтказиш мақсадида «Доха—2006» ўйинлари ташкилий қўмитаси «Осиё болалари» расмлар танловини ўтказишга қарор қилди. Уни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад спорт ва Олимпия ғояларини тарғиб қилиш ва ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

15 июнгача Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси томонидан кўрик-танловнинг минтақавий босқичи ўтказилади. Танловда иштирок этишни хоҳловчи болажонлар «Мен Орри (улоқча) билан қайси спорт турини ўйнашни хоҳлар эдим» мавзусида расм чизишлари лозим. Орри (улоқча) XV Осиё ўйинларининг расмий тимсолидир.

Танловнинг минтақавий босқичи ғолиби Миллий Олимпия қўмитаси томонидан таъсис этилган махсус совға билан тақдирланади. Финалга чиққан уч нафар иштирокчи чизган расм «Осиё болалари» кўрик-танлови ташкилий қўмитасига юборилади. У ерда ғолиб чиққан расм муаллифи ташкилий қўмита томонидан тақдирланади ва ушбу асар Дохадаги Осиё ўйинларига бағишланган махсус кўргазмага қўйилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Оролбўйи манзаралари

Шу кунларда Тошкент фоточилар уйида "Борса-келмасдан тикланишгача" номли кўргазма намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси, унинг Қорақалпоғистон Республикасидаги бўлими, Бадиий кўргазмалар дирекцияси ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси томонидан уюштирилган мазкур кўргазмада Орол денгизига бағишланган асарлар ўрин олган.

Манбаларга кўра, Орол денгизи Турон заминида бундан 35 минг йил муқаддам пайдо бўлган ер юзидаги энг катта денгизлардан бири ҳисобланади. Афсуски, ўтган асрда қилинган режасиз ўзлаштириш натижасида табиатнинг ана шу буюк неъмати катта талафот кўрди. Сувнинг камайиши оқибатида ҳудудлар туз билан қопланди, атроф-муҳит мусаффолигига ҳам зарар етди.

Икки қисмдан иборат кўргазмага тақдим этилган асарларда суратқашлар ана шу жараёнларни акс эттирувчи ижод намуналари билан қатнашмоқдалар. Архив ҳужжатлари тақдимоти, "Борса-келмасдан тикланишгача" тасвири, машҳур қорақалпоқ рассом ва ҳайкалтарошлари, «Мўйноқ» музейи рангтасвир асарларидан ташқари Тошкент фоточилар уйининг замонавий бадиий фотолари, Орол ҳудуди ҳаётини тасвирловчи асарлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Кўргазма 6 июнга қадар давом этади.

Ноила УМАРОВА.

IPOTEKA BANK

«ИПОТЕКА - БАНК»

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

КЕНГАШИНИНГ 2006 ЙИЛ 5 АПРЕЛДАГИ 9-СОНЛИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА ЛИЦЕНЗИЯЛАШ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИНИНГ 2006 ЙИЛ 11 МАЙДАГИ 56/2-СОНЛИ ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН "ИПОТЕКА - БАНК" АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИНИНГ

"БАХТ" ФИЛИАЛИ ТУГАТИЛМОҚДА.

Барча кредиторларнинг аризалари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

707000, Гулистон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 53-уй. Телефон: (8-36722) 5-23-41. Факс: (8-36722) 5-05-74

ТУГАТИШ КОМИССИЯСИ.

ISO 9001

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

«Management Consulting» компанияси ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22000) халқаро стандартлар талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ихтисослашган.

Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.

Тел. /факс: (+99871) 132-12-55, 132-20-83, 154-66-98, 136-14-09.
E-mail: info.mc@mail.ru
Web-site: www.mc.uz

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК;
- «Муборакнефтгаз» УШК;
- «Vinfad» ИИК;
- «Rubicon Wireless Communication» ҚК;
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ;
- «ЎзДонгВон КО» ҚК;
- «Жанубгазқурилиш» ОТҲЖ;
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОТҲЖ;
- «AGRIHIM» ҚК.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

ўз маҳсулоти бўлган «МАЗ» русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникалар (автокранлар, автоэксковаторлар, автобетонқорғичлар...)ни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Барча автотехникалар учун кафолат берилади.

Лизингга ҳам!

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Товар сертификатланган.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР

AVTODOM PLUS

"ВОЛГА", ГАЗ 31105 — ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли — Газ 32214, "Тез ёрдам" автомобили — ГАЗ 3307-12, "Сут" автоцистернаси

ГАЗ 2705, 7 ўриндиқли металл билан копланган фургон — ГАЗ 2752, Инкассация автомобили — ГАЗ-33023 "Фермер", юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли — ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан копланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобиль билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР:
- сут ташийдиган;
- ёнилғи ташийдиган;
- самосваллар.

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

«Бор меҳримиз — болаларга!»

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика кўзи ожизлар марказий кутубхонаси томонидан "Бор меҳримиз — болаларга" деб номланган тадбир ташкил этилди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган мазкур тадбирга кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар таклиф этилдилар.

— Юртимизда болалар соғлиғини сақлаш, уларнинг таълим-тарбия олишлари доимий эътиборда, — дейди кутубхона директори Гулайим Бердимбетова. — Бу эътибордан ҳеч бир ўғил-қиз четда қолмаётгани янада аҳамиятли. Хусусан, кўзи ожиз болаларнинг ҳам бекаму кўст таълим олишлари учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, кутубхоналар фаолият юритаяпти.

Йўлдош Охунбобоев номидаги махсус мактаб-интернат қошидаги кўзи ожиз болалар боғчаси тарбияланувчиларининг чиқишлари бу сўзларни яна бир бор исботлади. Улар ижро этган шеърлар, куй ва қўшиқлар болажонларга байрамона кайфият улашди.

Тадбир сўнггида "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси, ЮНИСЕФ, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ва бошқа ҳомийлар томонидан хайрия совғалари тақдим этилди.

Анвар САМАДОВ.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси Телевидение режиссёрлиги кафедраси доценти Ханжара Абдулқосимовага онаси **ҲАЁТХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Молия институти жамоаси Солиқлар ва солиққа тортиш кафедрасининг катта ўқитувчиси Акром Амоновга падари бузруквори **Мирза ота АМОНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 857. 27344 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 23456